International

scientific and practical conference

DECEMBER 6
2024

2024



STDF

Science technology& Digital finance

Google Scholar

The main directions of socio-economic development of New Uzbekistan: problems and solutions

MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

JIZZAKH BRANCH OF THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN NAMED AFTER MIRZO ULUGBEK

Scientific journal of Science technology & Digital finance

The main directions of socio-economic development of New Uzbekistan: problems and solutions collection of materials of the international scientific and practical conference on the topic

(December 6, 2024)

(Part 1)

Jizzakh-2024

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024

The main directions of socio-economic development of New Uzbekistan: problems and solutions collection of materials of the international scientific and practical conference on the topic – Jizzahk: Department of economics and tourism of Jizzakh branch of the national university of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, December 6, 2024, 450 pp.

Editors in charge: DSc.prof. Turakulov O.X., PhD. O'ralov A.I.

In the collection of materials of the conference, the role and role of Science, Education and production in the era of globalization, the pressing problems of the issues of interaction of these processes, feedback on their solutions were presented by mature specialists of the field.

In addition, research on the scientific and practical topic, carried out in the economics, Exact Sciences, Natural Sciences and socio-humanities during the globalization period, information is presented in the scientific and practical fields, which includes the latest innovative technologies in the fields of production.

It can be argued that this collection is one of the specific intersections of current thoughts and innovative ideas of the world of science. This scientific and practical conference was actively attended by professors and scientific researchers engaged in scientific research in Uzbekistan and foreign countries. In increasing the position of the scientific and practical conference, the professors and teachers of domestic and foreign higher educational institutions made a significant contribution.

Professors and teachers of foreign higher educational institutions who actively participated in the work of the conference made a worthy contribution to the high level of interaction with scientists of our country. The processes of international cooperation with foreign countries and exchange with them in the field of Science in the era of globalization have a positive effect on the development of Higher Education, the fields of Science and production. The materials of this conference are special in that they include a wide range of research, from theoretical developments to practical solutions, demonstrating the diversity of approaches and directions in this area.

In conclusion, it should be noted that this scientific and practical conference will be a very useful collection for everyone who is interested in modern research in the fields of further development of Higher Education, Science, Education and production in the era of globalization. The authors are responsible for the content and quality of the articles and abstracts included in the collection.

SECTION 3.
CURRENT PROBLEMS OF MODERN HUMANITARIAN EDUCATION

ЖАМИЯТДА АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ ВА УНИНГ ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ



Акбар Саиткасимов
Жиззах Давлат педагогика университети “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори. E-mail: saitkasimov71@mail.ru
Ёркинжон Йўлдошев
мустақил тадқиқочи

Annotatsiya: Adolat tamoyili kishilarning jamiyat tomonidan belgilangan ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-huquqiy, ma’naviy-madaniy normalarni odilona, xolisona va qonuniy tarzda hayotga tatbiq etishga qaratilgan faoliyat hamda xati-harakatlarga aytiladi.

Аннотация: Принцип справедливости относится к деятельности и действиям людей, направленным на реализацию социально-экономических, политико-правовых, духовно-культурных норм, установленных обществом справедливым, объективным и законным путем.

Abstract: The principle of justice refers to people's activities and actions aimed at implementing the socio-economic, political-legal, spiritual-cultural norms set by the society in a fair, objective and legal way.

Kalit so‘zlar: Jamiyat, ijtimoiy rivojlanish, adolat, ijtimoiy adolat, ijtimoiy manfaat, farovonlik, inson, tamoyil, bag‘rikenglik, taraqqiyot.

Ключевые слова: Общество, социальное развитие, справедливость, социальная справедливость, социальный интерес, благосостояние, человек, принцип, толерантность, прогресс.

Keywords: Society, social development, justice, social justice, social interest, welfare, human, principle, tolerance, progress.

Жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлашда адолат тамойили муҳим роль ўйнайди. Адолатли жамият ҳар доим халқаро миқёсда ўзининг улкан нуфузи ва эътиборига сазовор бўлиб келган. Чунки, жаҳон ҳамжамиятининг ҳам энг муҳим мақсади инсон ва унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, адолат тамойили *деб кишиларнинг жамият томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий нормаларни ҳаққонийлик билан, одилона ва холисона, тўғри, қонуний тарзда ҳаётга татбиқ этишга қаратилган фаолият, йўналиш ва хати-ҳаракатларга айтилади.*

Президентимиз Ш.Мирзиёев жамиятда адолат тамойилини қарор топтириш юзасидан қуйидаги фикрларни айтган: “Халқимиз ҳамма нарсадан

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024

устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда том маънода қарор топтириш - энг асосий вазифамизга айланиши шарт. Биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатда, адолатсизликнинг ҳеч қандай кўринишига йўл қўйилмаслиги даркор. Нега деганда, одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди. Бу чуқур маъноли сўзлар бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этаётганини сезиш, англаш қийин эмас” [1; 194].

Ўзбек халқининг асосий мақсади адолат ғоясига асосланган демократик жамиятни барпо этишдир. Адолат ғоясининг ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишдаги муҳим вазифалари қаторига жамиятнинг кундалик ҳаётида қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин:

биринчидан, жамиятдаги ижтимоий муносабатларда инсонпарварликка асосланган тамойилларни янада кучайтириш;

иккинчидан, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш асосида улар орасидаги мувозанатни сақлаб туриш;

учинчидан, жамиятдаги мулкчилик муносабатларини, ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш;

тўртинчидан, фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи воситаларини янда сифат кўрсаткичларни ошириш;

бешинчидан, воқеликда кенг илдиз отган, ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш;

олтинчидан, келажак истиқболда фаровонликни таъминловчи турли ҳудудий ижтимоий дастурларни жорий этишни янада кучайтириш.

Ижтимоий адолат принципи жамиятда демократик қадриятларни рўёбга чиқаришнинг асосий элементларидан биридир. Юридик энциклопедияда келтирилишича, “Ижтимоий адолат – жамиятнинг демократик ривожланиш даражасини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш нормаларини, миллат ҳаёт тарзининг аҳлоқий тимсолини белгиловчи давлат сиёсати, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган табақалари манфаатини кўзлаб миллий бойликларни тақсимлаш тартибидир” [2; 176].

Инсоннинг ижтимоий борлиқдаги манфаатлари устиворлигини таъминлаш ижтимоий адолат тамойилининг рўёбга чиқиши бўлиб, бу макон ва замон нуқтаи назари билан жамиятдаги ижобий ўзгаришлар, моддий ва маънавий ривожланиш даражасига боғлиқдир. Ижтимоий адолатнинг замонавий гуманистик талқини инсоннинг ҳаётда муносиб ҳаёт кечириши, қадр-қимматини ҳимоя қилиниши, инсон олий қадрият тамойилининг амалдаги рўёбга чиқишидир. Инсонни жамиятдаги ўрнини юксалиши яхши адолатли муносабатларга асосланган ижтимоий кафолатлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Олимларнинг таъкидлашича, “Ижтимоий адолат принципи ҳар кимга моддий бойликлар ва маданият, фан, таълимдан фойдаланишини, адолатли, объектив одил судга кафолатланган ҳолда эга бўлишини, унинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган конституциявий

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024

меъёрларда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий функция фуқаролар учун нормал турмуш шароитларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоянинг самарали тизимини яратишда яққол намоён бўлади. Ижтимоий адолат принципи давлатнинг ижтимоий мажбуриятлар олдидаги масъуллигидир". [3; 36]

Мамлакатимизда инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи ва яшаш шароитларини яхшилаш борасида амалга оширилаётган дастурий асосдаги чора-тадбирлар ижтимоий адолатни таъминлашдек муҳим жараённи кенг асосда амалий рўёбини таъминламоқда. Бу эса, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини доимий ҳимояси, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ёрдам, саховат ва мурувват муҳитини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш бўйича ўта долзарб ғоялар илгари сурилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Жамиятимизда ислоҳотлар замирида шундай муҳим жараёнлар кузатилмоқдаки, улар инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришига тўла мос келадиган, ижтимоий адолатни қарор топтиришга хизмат қиладиган барқарор муносабатларни шакллантирмоқда. А.Эркаевнинг таъкидлашича, "Ижтимоий адолатнинг таъминланиши жамият барқарорлиги асосини ташкил этади, одамларнинг давлатга ва ислоҳотларга ишончини мустаҳкамлайди. Чунки адолатпарварлик ғояси халқимизнинг онгига, маънавиятига минг йиллар давомида чукур сингган, унинг қаддриятлар тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Адолатпарварлик ғоясида дунёвий ва диний қадриятлар бирлашиб кетган". [4, 189]

Инсоннинг олий қадрият сифатида ҳуқуқ ва манфаатларининг рўёбга чиқарилиши, жамиятда унинг фаравон ҳаёт кечиришини таъминлаш билан ўзаро боғлиқ. Бу эса, инсоннинг ижтимоий ҳаёт ва унинг такомилига ўзгача жозиба берадиган, куч бағишлайдиган муҳим омил эканлигини англатади. Яна бир нарсани ҳисобга олишимиз керакки, глобаллашув, илмий ва технологик тараққиёт таъсири остида инсон фаравонлиги шакллари ўзгаради, унинг жамиятдаги ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ равишда ижтимоий ҳаётдаги ўрни аниқланади.

Қуйидаги иқтибосда аҳоли фаравонлигини таъминлашнинг моҳияти келтириб ўтилган: "Давлат, бир томондан, ҳар бир жамият аъзосининг турмуш фаравонлигини юксалтиришда тенг имкониятлар яратишга ва умумий фаравонликни таъминлашга интилса, иккинчи томондан, даромадларга эга бўлишда иқтисодий жиҳатдан адолатли табақаланишни турли усуллар орқали тартибга солишга кўмаклашади ва ижтимоий барқарорлик ва тотувликни таъминлайди" [5; 445].

Ижтимоий адолат шахснинг ижтимоий манфаатларини таъминланиши жамиятнинг ҳаёт-мамот вазифасига айлантиради, унинг қадри ва ижтимоий мавқеини юқорига кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ижтимоий адолат инсонпарварлик тимсоли ҳисобланади. Адолат феномени инсоннинг ижтимоий ҳаётга, ижтимоий ҳаётнинг эса инсонга берадиган нафи ва кўмаги, бир-бирини олдидаги бурч ва масъулиятини рўёбга чиқаради.

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024

Адолат тамойиллари билан боғлиқ мазкур ижтимоий ўзаро боғлиқликни янада ривожлантириш, уни янги кўринишда ташкил этилишини таъминлаш бугунги глобаллашган замонавий жамиятда муҳим хусусиятлардан биридир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун адолатлилик энг мухим хислатлардан бири булмоғи керак. Чунки адолат азалдан халқимизда ардокланган энг улуғ хислатлардандир. Шунга кўра, ҳар бир шахс, мутассадди ходим адолатпарвар бўлиши керак. Адолатли бўлиш - одобнинг устуни, инсонийликнинг асоси ҳисобланади. Ҳар бир инсон одоб ва инсонийликка етишаман деса, адолатли бўлишни унутмаслиги керак. Адолатли сўз уни айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам манфаат етказади. Тўғрилик одамларни ҳамиша яхшиликка етаклайди, яхшилик эса адолатга етказади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.; - «Ўзбекистон», 2017. –Б 194.
2. Юридик энциклопедия. Т.: «Шарқ», 2001, 176-бет.
3. Муҳаммаджанов О., Муҳитдинов Ф. Конституция: халқ манфаатларининг ҳуқуқий кафолати. Т., “Muharrir nashriyoti”, 2017. –Б. 36.
4. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. Т., “Маънавият”, 2011. –Б. 189.
5. Мажмуа. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. -Тошкент: Академия, 2005. -445 б.

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024